

**Давлат солиқ қўмитаси Раиси ўринбосари А.Файзибаевнинг
2022 йил июль ойи давомидаги фаолияти кўрсаткичлари
юзасидан қисқартирилган**

М А Ё Л У М О Т

Бюджетга қўшимча маблағлар тушумларини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида 2022 йилнинг **июль** ойида солиқ аудити бўйича **216,5 млрд.сўм**, камерал солиқ текширувлари бўйича **529,8 млрд.сўм** ва сайёр солиқ текширувлари бўйича **16,3 млрд.сўм** маблағларнинг тушуми таъминланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5252-сон қарорига асосан, “Soliq” мобил иловаси орқали:

1 033 836 нафар фуқаролар томонидан рўйхатдан ўтказилган 24 293095 та чекларга **87,8 млрд.сўмлик** кэш-бек суммаси ҳисобланди;

савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бузилиш ҳолатлари бўйича келиб тушган мурожаатлар асосида **5 768** тасида сайёр солиқ текширувлари яқунланиб, **16,4 млрд.сўм** молиявий жарима ундирилди;

5 069 нафар мурожаат муаллифларига **3 944,0 млн.сўм** мукофот пуллари тўлаб берилди.